

2-25-2020

LOCAL PRESS INFORMATION ABOUT THE DISPOSAL OF A NEW AMERICAN COTTON VARIETY IN BUKHARA (BY THE MATERIALS OF THE NEWSPAPERS “BUKHORO AHBORI” AND “OZOD BUKHORO”)

Jahongir Hayitov Shodmonovich
Basic doctoral student of Bukhara State University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu>



Part of the [Arts and Humanities Commons](#)

Recommended Citation

Shodmonovich, Jahongir Hayitov (2020) "LOCAL PRESS INFORMATION ABOUT THE DISPOSAL OF A NEW AMERICAN COTTON VARIETY IN BUKHARA (BY THE MATERIALS OF THE NEWSPAPERS “BUKHORO AHBORI” AND “OZOD BUKHORO”)," *Scientific reports of Bukhara State University*. Vol. 4 : Iss. 1 , Article 24. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol4/iss1/24>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific reports of Bukhara State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдулвоҳид Ясса. Жон кетар, Ватан кетмас. //Гулистон. – Т., 1996.-№3. 15-б.
2. Акмал Ақром. Худоёрхон қандай ўлган? //Туркистон. 1992 йил 18 февраль.
3. Акмал Ақром. Миркомилбой қандай шахс эди? //Шарқ юлдузи. – Т., 1992. № 5. 89-б.
4. Боймирза Ҳайит. “Туркистон” атамаси хусусида. //Ёшлик. 1992. №1-2. 41-б.
5. Болиев Э. Аллоҳ дилингда, қўлинг ишида бўлсин. //Халқ сўзи. 2002 йил 30 август.
6. Зияев Ҳ.З. Волга ва Урал бўйидаги ўзбеклар. – Т.: Фан, 1963. 12-13-б.
7. Нуриллохон Ҳожи Абдуллахон Қўқандий. «Муборак ҳаж сафари». – Т.: Камалак, 1991. – 25 б.
8. Муҳаммад Али. Абадий соғинчлар. – Т.: Адабиёт жамғармаси, 2005. 186-199-б.
9. Тараққиёт ва ҳамкорлик йўлларида. – Т.: Ўзбекистон, 1993. 25-б.
10. Позднефеодальный город Средней Азии (сборник статей). – Т.: Фан, 1990. – С. 91-92.
11. ЎзРМДА. И-1. 4-р. 1632-х. 9, 11, 25, 26, 35, 36, 37-варақлар; И-3. 11-р. 215-х. 131, 132-варақлар; Р-48. 1-р. 234-х. 81, 82-варақлар.
12. Қосимов Ф. Ҳ. Бухоро-жаҳон тамаддуни ўчоғи. /Истиқлол ва тарихий хотира (мақолалар тўплами). – Бухоро, 2006. 18-б.
13. Қосимов Ф.Ҳ. Бухоро-Париж: асрлар садоси.- Бухоро. 1997. 5; 29-30-б.
14. Қори Йўлдош Пўлатов. Йўл хотиралари. // Бухоро ахбори. 133-сон. 1923 йил 11 февраль.
15. Ҳайитов Ш.А. ва бошқалар. Хориждаги ўзбеклар. – Т.: Фан, 1992. 14-б.
16. Gagatay Kogar. Atayurtan anayurda Turkistanlilar. – Adana, 2009. -s 169-179.

УДК:633/635(575.1)/19-20/(09)

БУХОРОДА АМЕРИКА ПАХТА НАВИНИНГ ТАРҚАЛИШИ ҲАҚИДА ДАВРИЙ МАТБУОТ МАЪЛУМОТЛАРИ (“БУХОРО АХБОРИ” ВА “ОЗОД БУХОРО” ГАЗЕТАЛАРИ МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА)

СВЕДЕНИЯ МЕСТНОЙ ПЕЧАТИ О РАССПРОСТРАНЕНИЕ В БУХАРЕ НОВОГО СОРТА АМЕРИКАНСКОГО ХЛОПКА (ПО МАТЕРИАЛАМ ГАЗЕТ “БУХОРО АХБОРИ” И “ОЗОД БУХОРО”)

LOCAL PRESS INFORMATION ABOUT THE DISPOSAL OF A NEW AMERICAN COTTON VARIETY IN BUKHARA (BY THE MATERIALS OF THE NEWSPAPERS “BUKHORO AKHBORI” AND “OZOD BUKHORO”)

Ҳайитов Жаҳонгир Шодмонович
БухДУ таянч докторанти

Аннотация. Мазкур мақолада “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарининг материаллари ва манбалари асосида БХСР ҳукумати йилларида Америка пахта навини етиштирилиши тарихи ҳақида фикр-малоҳазалар билдирилган.

Таянч сўзлар: Газета, “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро”, амриқоча нав, гўза, пахта, нарх-наво, тажриба майдони, қишлоқ хўжалиги, иқтисодий аҳвол, савдо-сотик, манба, янги ҳукумат, имтиёз, қарз бериш, сув масаласи.

Аннотация. В данной статье, представлен обзор истории производства технологии американского хлопка, по материалам, источникам и газетам “Бухоро ахбори” и “Озод Бухоро” в годы правительств БНСР.

Ключевые слова: Газета, “Бухоро ахбори”, “Озод Бухоро”, американский сорт, хлопчатник, хлопок, цены, эксперимент, площадка, сельское хозяйство, экономическое состояние, торговля, источник, новое правительство, привилегия, давать в долг, водная проблема.

Annotation. This article analyzes the history of the American type cotton plant during the years of the BPSR (Bukhara People Soviet Republic) on the basis of the sources such as “Bukhoro akhbori” and “Ozod Bukhoro”.

Key words: newspaper, “Bukhoro akhbori”, “Ozod Bukhoro”, “american sort, cotton plant, prices, exper: ment field, agriculture, economic situation, trade, source, new government, privileges, loans, water problem.

Кириш. Туркистон минтақасида пахтачиликни ривожлантириш айниқса АҚШда 1861-1865 йиллардаги фуқаролар уруши ва халқаро сиёсий вазиятнинг ўзгариши, 1882 йил Мисрнинг Англия томонидан мустамлака қилиниши кабилар ўлкада янги пахта навларини жорий этиш, пахта майдонларини кенгайтириш, Россия саноати учун пахта хомашёси базасини яратиш жараёнини тезлаштирди.

Маҳаллий деҳқонлар етиштирадиган пахта улар орасида “ғўза”, мустамлакачилар ибораси билан эса “туземный хлопок”, деб номланарди. Маҳаллий пахта ҳосилдорлиги юқори бўлса-да, унинг толаси қисқа, шакли сарғиш рангли, нави паст ва Россия саноат корхоналари Туркистон пахтасини қайта ишлашга мослашмаган эди. Россия империяси таъсирида бўлган Польшанинг Лодзь шаҳридаги тўқимачилик корхоналари Туркистон пахтаси ҳисобига ишларди, холос[12].

Ҳосилдорлиги ўрта даражада бўлса-да, толасининг майинлиги ва узунлиги, мустаҳкамлиги, шаклан момик ва оппоқлиги билан ном чиқарган “Америка” (американча) пахта навини Туркистонда иқлимлаштириш ишлари 1860 йиллар охири – 1870 йиллардан бошланган. XIX аср охириги чорагида Туркистонда пахтанинг маҳаллий ва хориждан келтирилган 12 та нави экиларди.[11]

Сирдарё вилояти Тошкент уезди маҳсус пахта майдонида 1869 йилда илк бор Америка “Sea Island” номли пахта нави плантатор Н.Н.Раевский томонидан синовдан ўтказилган. Ундан кутилган миқдорда ҳосил олинган бўлса-да, 1872 йил Москва политехника институти кўрғазмаси экспертлари томонидан тола учун яроқсиз деб топилди ва унинг тола мустаҳкамлиги мутлақо талабга жавоб бермаслиги қайд этилди. Чунки ҳали қуруқ иқлим шароитида янги нав пахтадан ҳосил олиш илми ва тажрибаси деҳқонларда етарли бўлмаган.

Сўнгра “Упланда” (Uplanda) Америкадан келтирилган уруғ нави синалди. “Упланда” пахта уруғлари XIX аср бошларида Мексикадан АҚШнинг Миссисипи штатига олиб келинган. Ушбу нав “Petit kulf” ёввойи чигит уруғи нави асосида олинган. Кейинчалик “Uplanda”нинг танилган “Sugarloof”, “Hogan”, “Veskts Shundret seed”, “Browncs seed”, “Bonapa”, “Prout”, “Mastodon”, “Prolific”, “Multibolus” каби ўнлаб навлари яратилди [13]. Улар толаси сифатли, тез пишиб етилган, ҳосилдорлиги юқори бўлган.

XIX асрнинг 2-ярмида Ливерпуль (Англия) пахта биржасида юзлаб пахта навларининг уруғлари реклама қилиниб, аукционда сотилган. Тошкентлик Мулла Йўлчи Тўйчибоев 1875 йилда 5 фунт Америка пахта нави уруғини сотиб олиб, дастлабки синов – тажрибадан ўтказган. Кейинчалик бу нав 9 йил давомида узлуксиз тажриба қилиниб, ундан тўқ, сифатли уруғ олиниб, намуналари Тошкент қишлоқ хўжалик музейига қўйилди. Фарғона вилоятида дастлаб Наманган уезди Чуст шаҳри ер участкасида 1879 йилда 7 таноб ерга “Упланда” навли Америка пахтасининг 24 фунт уруғи экилди.

1880 йилда Поп, Олмос, Аҳси – шеҳанд волости деҳқонларига 240 пуд “Упланда” чигити текин тарқатилди. 1881 йилда 500 пуд, 1882 йилда 1000 пуд, 1883 йилда 1200 пуд миқдорида Америка пахта чигитлари Наманган уезди волостларида экилди. 1883 йил Наманган шаҳридан тўрт чақирим узоқликда жойлашган Пахталикқўл номли жойда пахта плантацияси ташкил этилди.[10. 119-121] Нафақат Сирдарё ва Фарғона вилоятларида Самарқанд вилояти уездларида ҳам Америка пахта навини етиштиришга эътибор қаратилган.

Манбалардаги маълумотлар кўрсатадики, ушбу вилоятда Америка пахта нави экиладиган майдонлари тезлик билан кенгайиб кетмаган бўлса-да, бироқ янги пахта нави маҳаллий пахтани сиқиб чиқара бошлаган. Самарқанд вилояти уездларида 1879 йилдан “Упланда”нинг “*Cossypinum kursatinum Upland*” нави экила бошлаган. Бу нав вилоятнинг Самарқанд, Каттакўрғон уездлари кенг майдонларини эгаллаган. XX аср дастлабки ўн йиллигида Самарқанд вилояти ҳам пахтачилик марказига айланиб борди.

1920 йил 2 сентябрда амирлик тартиби тугатилганидан сўнг, унинг ўрнида Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР-1920-1924 йиллар-Ж.Ҳ.) ҳукумати ўрнатилиб, янги ҳукумат даврида ўзбек тилидаги матбуот органларини ташкил этиш ҳаракати натижасида “Бухоро ахбори” (1920-1923) ва “Озод Бухоро” (1923-1925) газеталари чоп этиб турилди.

Мазкур кичик тадқиқотда “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарининг саҳифаларида БХСР тасарруфига кирган ҳудудларда Америка пахта навини етиштириш масаласи имкон қадар тадқиқ этилади.

Аслида Америка пахта нави Бухоро амирлигида 1888-1920 йилларда ҳам экилган бўлиб, бу экин турининг етиштирилиш тарихи “Бухоро ахбори” газетасидаги айрим мақолаларда, газетанинг хабарлар рукнидаги маълумотларида келтирилган [9]. Шунингдек, ўнлаб газета мақола ва хабарларида БХСР вилоят ва туманлардаги суғориш тизими, сунъий суғориш иншоотлари, “сув масаласи” билан боғлиқ муаммолар келтирилган. Уларда БХСРда пахтачиликнинг ривожланиши сунъий суғориш иншоотлари (ариқ, канал, зовур тўғон, дамба –Ж.Х.) ҳамда Зарафшон дарёси ва Амударё сувини адолатли тақсимоти билан боғлиқлиги қайд этилган [2]. Америка пахта навининг тарқалиши суғориш масаласига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб, унинг вегетация даврида айнан сув тақчиллиги юз бериши эса салбий ҳолат эканлигига газета маълумотларида асосий урғу берилган.

БХСР ҳукумати ташкил топган дастлабки йилдан 1922 йилга қадар республика ҳудудидаги кескин сиёсий ва ҳарбий муаммолар қишлоқ хўжалиги, асосан деҳқончилик тармоқлари ривожига салбий таъсир кўрсатди. Пахта ва бошқа экинлар экиладиган ер майдонлари ўз салоҳиятини йўқотиб, кўпгина ерлар ташландиқ жойларга айланди ёхуд экин экилмай бўш қолиб кетди. Амирлик даврига нисбатан ер фондлари кескин қисқариб, пахтачилик ҳам катта зарар кўрди.

Амирлик даврида пахта экиладиган майдонлар 300.000 танопгача бўлиб, ундан олинадиган даромад 25-27 млн. олтин сўми ташкил этган. БХСРнинг иккинчи йилида (1921 йил-Ж.Х.) пахтачилик инқирози юз бериб, пахта экин майдонлари 10 баробар қисқарди ва бор-йўғи 30.000 танопни ташкил этди [4]. Газеталардаги маълумотлар ўрганилар экан, улар орқали пахтачилик ишларига тўсқинлик қилган омиллар ёрқинлашади. Инқилобий урушлар ва босмачилик (совет режимига қарши кураш кураш -Ж.Х.) ҳаракатлари, сунъий суғориш иншоотлари вайрон қилинди, сармоянинг етишмаслиги, деҳқонларнинг танг иқтисодий аҳволи, четга чиқариладиган ва бозорларда сотиладиган пахтага солиқ таърифлари юқорилиги, сув танқислиги, пахта бозор нархининг харажатларни қопламаслиги каби сабаблар хабар ва мақолаларда ўз аксини топган.

Шунингдек, 1917 йилда очарчилик юз бериб, пахтакор деҳқонлар ўз ерларига буғдой экишга мажбур бўлгандилар. 1918 йилдан 1922 йилга қадар пахтачилик ривожига пасайиш кузатилиб, пахта нархи бозорда арзонлашган. 1922 йилда 1914 йилда етиштирилган пахтанинг 30 фоизи, 1915 йилда етиштирилган пахтанинг эса атиги 25 фоизи олинган ҳолос [8]. Пахтачиликни тиклаш учун деҳқонларга 1 пуд пахтага 2 пуд буғдой бериш, улардан солиқ олмаслик, пахта экиладиган ерларни биринчи навбатда сув билан таъминлаш, пахтакорларга етарли миқдорда уруғлиқ чигитларини тақсимлаш, “Рус-Бухоро пахта ширкати” ва “Давлат пахта ширкати” ва “Давлат пахта қўмитаси” кабилар томонидан (1922 йил қайта тикланди-Ж.Х.) бўнак пули (олдиндан пахта пулини тўлаш-Ж.Х.) бериш, имтиёзли қарзлар ажратиш каби чоралар кўрилган.

“Рус-Бухоро пахта ширкати” томонидан деҳқонларга америкача тухум (чигит) тарқатиш, чигитни фақат экиш учун сарфлашга мажбур этиш, тухум-чигитнинг ҳар бир пуди олтин ҳисоби билан 1 сўму 50 тийин сотилади”-деган маълумот келтирилади, “Бухоро ахбори”нинг 170-сониди. Шунингдек, 1922 йилдан бошлаб, БХСРнинг Чоржўй ва Зирабулоқ туманларидаги пахта майдонларига асосан Америка пахта нави экилган [6]. Америка пахта нави чигити қадалган ер майдонлари пахта майдонларининг 3/1 қисмини ташкил этиб, ҳукумат томонидан деҳқонларга 1923 йилда 500 минг олтин сўм қарз берилди.

“Давлат пахта ширкати” тарафидан амриқони пахта эккан деҳқонлар 500 минг сўм олтин бермакка қарор қилди. Ушбу қарз миқдори кейинчалик 1,5 млн олтин сўм, 3 млн сўм ёки ундан ҳам ортиқ бўлишига тегишдур -деб ёзади, “Озод Бухоро”газетаси. Газеталардаги манбавий аҳамиятга молик материаллар тадқиқ қилинар экан, Америка пахтаси бозорда маҳаллий пахтадан юқори баҳоланганига гувоҳ бўлинади. “Бу йил (1922 йил-Ж.Х.) деҳқонлар амриқони пахтага қараганда ғўзани (маҳаллий пахта-Ж.Х.) кўпроқ экканлар.

Бозорда амриқони пахта ғўзага нисбатан юқори баҳоланганига нархланадур. Шу сабабли жойдари пахта (махаллий пахта) эккан деҳқонлар зарар тортмоқдалар. Хукумат ғўза билан амриқони пахта нархлари фарқини камайтириш чорасини кўрмоқда”- деб ёзади газета [14].

Ёхуд “Озод Бухоро”нинг 70-сонидан: “Деҳқонларимиз азалдан “ғўза” экиб келар эдилар.Тажрибага кўра ғўза амриқоча пахтага кўра кам фойда берар экан, 2-3 баробар арзон туради. 1 таноп ерға “ғўза” экилганда 20 пуд беради, бунинг пудини 2,5 сўмға сотганда 50 сўм бўладур, 1 таноп амриқоча уруғ 15 пуд пахта бериб пудини 5 сўмдан сотганда 75 сўм бўладур. Ғўзанинг паст нави юқорисиға қарағанда 4-5 марта арзон”[1], - деган маълумот ўқиймиз. Демак, Америка пахта навининг ҳосилдорлик даражаси паст бўлса-да, нархи бозорда юқори баҳоланган. Бухоро маҳаллий пахтасига эмас, аксинча “амриқоча пахта” толасини “Марказ”даги тўқимачилик корхоналари қайта ишлашга мослашганди.

1922 йил пахта мавсумида пахта етиштиришда (Америка пахта нави ва ғўза-Ж.Х.) бир қадар кўтарилиш бўлиб, деҳқонларга хукумат сотган пахталари учун червон курси билан пул тўлаган. Червон курси Республикада амал қилаётган бошқа қоғоз пуллардан қадрли бўлиб, нисбатан барқарор эди. Бироқ БХСРда етиштирилган пахта маҳаллий пахта тозалаш заводлари эҳтиёжини қондира олмаган. “Давлат пахта ширкати” томонидан пахта мавсуми бошлангандан бери 560 минг пуд пахта (Америка пахтаси-Ж.Х.) ва ғўза сотиб олинган, янада 640 минг пуд олмоқ ўйланадур. БХШЖдаги бир қатор пахта заводлари пахта билан етишмак даражада таълим этилмоқда. Чоржўй ва Кармина заводларида пахта оз бўлиб, Чоржўйга Қоракўлдан, Карминага Ғиждувондан пахта келтирмак ўйланадур”-деб ёзади, “Озод Бухоро”. 560-640 минг пуд миқдорида пахта етиштиришга БХСРнинг учинчи йилидагина эришилди. Ушбу миқдор амирликда 1917 йилга қадар бир йилда олинган пахта ҳосилининг 5/2 қисмини ташкил этиши аён бўлади.

Пахтачиликни ривожлантириш учун, деҳқонларга ёрдам бериш мақсадида “қишлоқ хўжалик қарз ширкатлари” очилиб, улар ихтиёридаги банклар пул билан таъминланган. “Озод Бухоро”нинг 50-сони: “ ўтган йилнинг (1922 йил-Ж.Х.) сентябр ойдан 24 январга қадар (1923 йил-Ж.Х.) 36 та қишлоқ хўжалиги қарз ширкатлари очилган. Буларнинг 23 таси пул билан таъмин қилинган бўлиб, қолғонлари ҳам яқинда пул билан таъмин қилингисидур”[7], - деб ёзганди.

“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарида БХСР йилларида Америка пахтаси ва ғўзанинг нарх-навоси ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар келтирилади. Шунингдек, пахта нархини ошириш масаласининг долзарблиги ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилар экан: “Амриқорни пахтанинг нархи пудига 4 сўму 50 тийин, ғўзанинг нархи 1-навига 2 сўму 60 тийин тайин қилинган. Ғўза ва пахтанинг нархини ошириш даркор, 250.000 олтин сўм давлат пахта ширкати берган қарздан воз кечиш деҳқонларға моддий мадад бўларди” мазмунидаги сатрлар келтирилади, газетада. БХСР хукумати четга чиқарилган пахта эвазига (асосан Россияга –Ж.Х.) чит, каноп, чой, метал харид қилган.

1920 йилда 1917 йилга қадар етиштирилган пахтанинг 10/1 қисми ҳам олинмаган, натижада маҳаллий пахта тозалаш ва ёғ заводлари ишлаб чиқариш фаолияти тўхтаб қолган. Ушбу инкирозли ҳолатларни газеталар аҳолидан яширмай, рўй-рост ва очиқ баён қилган. Амирлик даврида пахта савдосидан олинган. 25-27 млн олтин сўм ўрнига, 1,5-1,7 млн олтин сўм даромад олинини БХСР иқтисодий аҳволи оғирлигидан дарак бериб, 1923 йил ушбу хукумат даврида энг юқори иқтисодий кўрсаткичга кўтарилганди.

БХСР Марказий Ижроия Кўмитаси раиси А.Муҳиддинов ва муовинлари А.Орифов ва Содиқ Маҳмудийлар имзоси билан “Бухоро ахбори”нинг 1920 йил 29 ноябрдаги 10-сонидан босилган “Хитобнома”да: “Пахтани экиш мамлакатимизда деярли йўқ даражаға тушди. Бу йил (1920 йил-Ж.Х.) юртимиздан Русияга 10.000 пуд пахтадан ортуқ чиқариб бўлмайдур. Савдо ва саноат назоратинда бир шўъба очиб, шу шўъба воситаси билан пахта харидини қилиб деҳқонларға чит, ёғ ва бошқа зарур нарсалар бермоққа қарор қилинадур... Яна Когон станциясидаги Русия Шўролар Жумҳуриятига тегишли тўртта пахта ва ёғ заводларини Русия хукуматидан илтимос қилиб ўз тасарруфимизға олдик”, - деб маълумот берилган.

Республикада Америка пахта навини экишни рағбатлантириш мақсадида БХСР ҳукуматининг учинчи йилида “ғўза ва амриқони пахта тайёрлаш ишлари давлат пахта ширкати қўлига ўтказилди. Пахтани эркин сотиш ва сотиб олишга рухсат берилди, давлат томонидан ва маҳаллий ташкилотларнинг солиқлар таърифи пахтакор деҳқонлар учун бекор қилинди, пахтакорларга ўз вақтида сув етказиш ҳукумат зиммасига юклатилди, Америка пахта нави уруғлари арзонлаштирилди, “махсус армиқоча тажриба экинзорлари ташкил этиш”, америқоча пахта экканларга ҳамма шартларга ҳукумат тайёрлиги каби имтиёзлар жорий этилди [1].

Бухоро шаҳри атрофидаги 15 десятинали (1 деятина - 1.09 гектар-Ж.Х.) собиқ амирга тегишли Ширбудин саройи атрофидаги ер майдони” қишлоқ хўжалиги-тажриба станцияси” ихтиёрига берилган. У ерда наслчилик ишлари билан бирга амриқо пахта нави уруғчилик маркази ҳам фаолият юритди.

Хуллас, “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари БХСР тарихини ўрганишдаги муҳим манба бўлиш билан бирга, XX аср бошларида қишлоқ хўжалигининг пахтачилик тармоғи аҳволдан бугунги авлодни хабардор ҳам қилади. Газеталарнинг кўплаб сонларида Америка пахта навини етиштириш, сотиш, қайта ишлаш билан боғлиқ маълумотлар берилганлиги матбуот тарихий ҳақиқатни ўрганишда муҳим манба бўла олишига шубҳа туғдирмайди.

Даврий матбуот материаллари ўрганилар экан, куйидагича якуний фикр-мулоҳазаларга келиш мумкин.

1. Бухоро амирлиги ҳудудига Америка пахта нави янги экин тури сифатида XIX аср 80-йиллари охирида кириб келган ва Россия империяси пахта хомашё базасини мустаҳкамлаш мақсадида амирлик вилоятларида оммавий экин тури сифатида тез тарқалган.

2. Амирлик даври ва БХСРдаги умумий пахта майдонларининг 30-40 фоизи Америка пахта навини етиштиришга ажратилган бўлиб, “амриқони пахта” ҳосилдорлиги маҳаллий пахта навидан паст бўлса-да, у пахта бозорида 2-3 баробар юқори нархда баҳоланган.

3. Россия марказидаги тўқимачилик саноати корхоналари асосан Америка пахта навидан олинган толани қайта ишлашга мослашгани учун, “амриқоча нав”ни эккан деҳқон хўжаликларига имтиёзлар бериш, уларни солиқ ва бож тўловларидан озод қилиш ҳукумат ва шунингдек, рус ширкатлари диққат-марказида бўлган.

4. Газета материаллари таҳлил қилинар экан, БХСРнинг сўнгги йилида ҳам (1924 йил-Ж.Х.) пахта етиштириш амирлик даври даражасига кўтарила олмаганлигига амин бўлинади.

АДАБИЁТЛАР

1. Амриқони пахта. // Озод Бухоро 70 сон, 1923 йил 2 апрель.
2. Амударёдан машина билан сув чиқариш. // Бухоро ахбори. 68-сон; 1921 йил 29 март.
3. Деҳқонларга ёрдам ишлари (36 ширкат). // Озод Бухоро; 50-сон, 1923 йил 16 февраль.
4. “Деҳқон”. Жумҳуриятнинг қишлоқ хўжалиги. // Бухоро ахбори. 108-сон; 1922 йил 5 ноябрь.
5. Нарпай дарё Бухорога бериладур. // Бухоро ахбори 104 сон, 1922 йил, 22 октябрь.
6. Пахта экувчи деҳқонларга мурожаат. // Бухоро ахбори. 142-сон; 1923 йил, 10 март.
7. Пахта теварагида: пахта нархи қатъийдур. Қанча пахта олингон. // Озод Бухоро; 48-сон, 1923 йил 13 февраль.
8. Сулаймон Али бой ўғли. Бухорода пахтачилик. // Бухоро ахбори; 210-сон; 1923 йил 5 октябрь.
9. Туркман деҳқонларига ёрдам // Бухоро ахбори. 166-сон; 1923 йил 5 май.
10. Хлопководство в Наманганское уезди (1880 - 1901) / Ежегодник Ферганской области. Том II. (Выпуск 1903 года). Г. Новый Маргелан, 1903. – С. 119 – 121.
11. ЎзРМДА, И 1. фонд, 27 – рўйхат, 37 – йиғма жилд, 3 – варақнинг орқа томони.
12. ЎзРМДА, И 1. фонд, 27 – рўйхат, 37 – йиғма жилд, 16 – варақ, 16 – варақнинг орқа томони.
13. ЎзРМДА, Р 2284. фонд, 1 – рўйхат, 892 – йиғма жилд, 3, 4 – варақлар, 4 – варақнинг орқа томони.
14. Ғўза савдоси очиқ. // Озод Бухоро; 211-сон, 1923 йил 7 октябрь.

УДК:94(575.1)КБК:63.3(5У)

ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ МИЛЛИЙ МУХОЛИФАТГА
ҚАРШИ ЮРИТГАН ҚАТАҒОН СИЁСАТИ ТАРИХИДАНИЗ ИСТОРИИ ПОЛИТИКИ РЕПРЕССИЙ СОВЕТСКОГО ПРАВИТЕЛЬСТВА
ПРОТИВ ОППОЗИЦИИ В УЗБЕКИСТАНЕTHE HISTORY OF SOVIET'S GOVERNMENT POLITICAL REPRESSION AGAINST
THE OPPOSITION IN UZBEKISTAN*Хошимов Соибжон**АДУ Ўзбекистон тарихи каф. доц., т.ф.н.*

Аннотация. Мақола XX асрнинг 20-30 йилларида Ўзбекистонда фаолият олиб борган “Миллий иттиҳод”, “Миллий истиқлол” ташкилотларининг турли вилоятлардаги бўлимлари фаолияти ва уларнинг аъзоларига нисбатан совет ҳокимияти олиб борган сиёсий қатағонлар тарихига бағишланган.

Таянч сўзлар: Мухолифат, “Турк республикаси”, “Турк партияси”, “Миллий иттиҳод”, “Миллий истиқлол”, коммунистик партия, қатағон, сиёсий қатағон.

Аннотация. Данная статья посвящена деятельности областных филиалов организаций “Миллий иттиҳод”, “Миллий истиқлол” и об истории политической репрессии советского правительства членов этих организаций.

Ключевые слова: Оппозиция, “Тюркская республика”, “Тюркская партия”, “Миллий иттиҳод”, “Миллий истиқлол”, коммунистическая партия, репрессия, политическая репрессия.

Annotation. This article is devoted to the activities of the regional branches of the Milliy Ittihod, Milliy Istiqlol organizations and the history of the political repression of the Soviet government to members of these organizations.

Key words: the opposition, Turk Republic, Turk Party, Milliy ittikhod, Milliy istiklal, communist party, repression, political repression.

Кириш. Истиқлол йилларида совет ҳокимияти мавжуд бўлиб турган давр тарихини (1917 - 1991 йй.) асл манбалар, тарихий ҳужжатлар ва адабиётлар таҳлили асосида объектив, ҳолисона ўрганиш борасида сезиларли илмий ютуқлар қўлга киритилди. Тадқиқотлар натижаси кўрсатадики, тоталитар тартиб, буюк давлатчилик сиёсати юритилган жамиятда дискриминация сиёсатини қўллаш орқали давлатчилик асосларини сақлаб қолишга томон йўл очиб борилган. Аввало, “Қатағон” атамаси ва унинг моҳияти ҳақида мухтасар фикр юритиш мақсадга мувофиқ бўларди.

XX асрнинг 20-30 йилларида совет ҳокимиятининг Ўзбекистондаги қатағон сиёсати нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда ҳам тадқиқотчиларни диққат марказидаги мавзулардан бири ҳисобланади.

Совет ҳокимиятининг дастлабки кунлариданоқ ҳуқуқий жиҳатдан ноаниқ бўлган “аксилинқилобий” деб номланган айблов юзага келди. Сиёсий мухолифатга нисбатан совет давлатининг мажбурлов чоралари кенг қўлланила бошлади.

XX асрнинг 20-йилларнинг ўрталаридан бошлаб, тоталитар жамиятнинг хусусиятлари тобора ошқора кўрина бошлади. Бу ҳолат, айниқса, миллий республикалардаги большевиклар партияси олиб бораётган сиёсатдан норози бўлиб, ўз юрти ва халқининг миллий манфатларини ҳимоя қилиб чиққан раҳбар ходимларга, мухолифат ҳаракати вакилларига муносабатда яққол намоён бўлди. Бундай юрт фидойилари совет органлари томонидан оғмачилик ва бузғунчиликда айбланиб, миллатчи ва аксиинқилобчи сингари асосиз бўҳтонлар билан бадном қилиндилар. Совет режимининг қатағон сиёсатини